



ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ЕТКАЗИБ БЕРИЛИШИ УСТИДАН НАЗОРАТ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Патгиев Анваржон Абдумухтор ўғли

Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш

академияси магистранти

E-mail: Anvarjon1982@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада электр энергиясини ишлаб чиқариш ва етказиб берилиши устидан назорат фаолиятини ташкил этиши масалалари таҳлил қилинган бўлиб, бундай фаолиятни институционал таъминлаш элементларидан бири сифатида прокуратура органларида мувофиқлаштирувчи штаблар фаолиятини йўлга қўйилиши долзарб масала эканлиги асослантирилган.

Калит сўзлар. мувофиқлаштирувчи штаблар, прокуратура органлари, ёқилги-энергетика, назорат, ташкилий.

Аннотация. В данной статье анализируются вопросы организации контрольной деятельности по производству и поставке электроэнергии и обосновывается актуальность создания координационных штабов в прокуратурах как одного из элементов институционального обеспечения такой деятельности.


Ключевые слова. Координационные штабы, прокуратуры, топливо и энергетика, контроль, организационный.

Abstract. In this article, the issues of organizing control activities over the production and supply of electricity are analyzed, and it is justified that the establishment of coordinating staffs in prosecutor's offices is an urgent issue as one of the elements of institutional support of such activities.

Keywords. Coordinating staffs, prosecutor's offices, fuel and energy, control, organizational.

Электр энергиясини ишлаб чиқариш ва етказиб берилиши устидан назорат фаолиятини самарали ташкил этишда унинг нафақат қонунчилик асосларини, балки ташкилий асосларини ҳам такомиллаштириб бориш муҳим аҳамиятга эга. Бундай фаолиятни институционал таъминлаш элементларидан бири сифатида прокуратура органларида мувофиқлаштирувчи штаблар фаолиятини йўлга қўйилиши долзарб масала ҳисобланади.

Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, мамлакатимизда мустақиллик йилларида прокуратура органлари тизимида ёқилги-энергетика соҳасини ривожлантириш, бу соҳада қонунлар ижросини назорат қилиш фаолияти Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг қатор соҳавий буйруқлари билан тартибга солинган. Бирок, 2023 йилга қадар прокуратура органлари тизимида ёқилги-энергетика соҳасида қонунлар




ижросини назорат қилувчи алоҳида таркибий тармоқ мавжуд бўлмаган. Мазкур қонунчилик ижроси турли йилларда дастлаб Бош прокуратуранинг “Умумий назорат бошқармаси”, кейинчалик “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси”, “Қонунчилик ижроси устидан назорат Бош бошқармаси” ва “Иқтисодий қонунчилик ижроси устидан бошқармаси” томонидан назорат қилиб келинди. Вилоятлар ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда бу масала билан юқоридаги таркибий тармоқларнинг қуйи бўлимларидаги бир нафар бўлим (катта) прокурори, туман-шаҳар прокуратураларида эса прокурорларнинг қонунчилик ижроси устидан назорат бўйича (катта) ёрдамчиси шуғулланиб келган.

Фақатгина, 2023 йил 24 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёқилғи-энергетика соҳасида давлат назорати механизмларини такомиллаштириш ва “Рақамли энергоназорат” тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-77-сон Фармони қабул қилиниши билан Бош прокуратура таркибида Ёқилғи-энергетика соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси ташкил этилди²⁰. Натижада, вилоят прокуратураларида ҳам бу масалага дахлдор махсус бўлимлар жорий этилди.

Бирок, прокуратура органларининг ҳозирги кундаги иш ҳажми жуда юқорилиги, туман-шаҳар прокуратураларида алоҳида штат бирликлари кўзда тутилмаганлигини инобатга олган ҳолда истиқболда туман (шаҳар) доирасида бир нафар прокурор ёрдамчисининг бу йўналишни комплекс қамраб олишининг деярли имкони йўқ. Чунки, туман-шаҳар прокурорларининг қонунчилик ижроси устидан назорат бўйича (катта) ёрдамчиси зиммасига нафақат қонунчилик ижроси устидан назорат йўналиши, балки бошқа назорат йўналишлари (масалан, аграр соҳада қонунчилик ижроси устидан назорат, вояга етмаганларга доир қонунчилик ижроси устидан назорат, судларда прокурор ваколатини таъминлаш ва ҳ.к.) ҳам юклатилган бўлади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси раҳбарияти томонидан ҳудудларда ёқилғи-энергетика соҳасини ривожлантириш, унинг олдида турган тизимли муаммоларни аниқлаб, уларга самарали ечим топиш бўйича қуйи прокуратура органларига қатор вазифа ва топшириқлар мунтазам юклатилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш борасидаги фаолияти муҳокамаларига бағишланган деярли барча хайъат қарорлари билан прокуратура органлари зиммасига мазкур соҳани жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунчилик талабларининг аниқ ва сўзсиз бажарилиши таъминлаш, юзага келаётган тизимли муаммоларни муайян ҳудуд ва масалалар кесимида чуқур таҳлил қилган ҳолда, мавжуд вазиятни яхшилаш, шу жумладан, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан аниқ лойиҳалар ишлаб чиқиш каби бир қатор вазифалар юклатилмоқда.

²⁰ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 08.08.2025 й., 06/25/126/0704-сон.



Ўз навбатида, прокуратура органлари томонидан ҳам ёқилғи-энертегика тўғрисидаги қонунчилик ижроси юзасидан доимий назорат тадбирлари амалга оширилмоқда. Хусусан, 2023-2024 йиллар мобайнида мазкур қонунчилик ижроси борасида ўтказилган 1 618 та текширувларда 40 415 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилган. Натижада, ушбу даврда 4 017 нафар тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланиши амалда таъминланган²¹.

Жумладан, 2024 йилда прокуратура органлари томонидан энергия ресурсларни иқтисод қилиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этилиш ҳамда иқтисод режасини бажаришда камчиликларга йўл қўйган мансабдор шахсларнинг 777 нафарига интизомий, 267 нафарига маъмурий чоралар қўлланилган. Шунингдек, 1 660 та мансабдор шахслар прокурорлар томонидан расман огоҳлантирилган.

Мисол учун, Учтепа туманида ҳар ой сурункасига режага нисбатан ортиқча электр энергияси истеъмол қилиниб, режа бир фоизга ҳам бажарилмаганлиги учун туман ҳокимининг соҳавий ўринбосари А.Наимовга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилган.

Аммо, истиқболда Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларининг ушбу назорат йўналишида амалга ошираётган ишлари сифати ва самарадорлигини янада кучайтиришга зарурат мавжуд. Бизнингча, юқорида таъкидланган “институционал бўшлиқ”нинг юзага келганлиги бунга йўл бермаяпти. Айни пайтда, тадқиқотчи А.Казарина қайд этганидек, “Қонун чиқарувчи томонидан прокуратурага қўшимча вазифаларнинг юкланиши унинг ресурс ва ташкилий-ҳуқуқий таъминотида бўлган эҳтиёжни юзага келтиради”²². Шу боис, ҳозирда мазкур “институционал бўшлиқ”ни тўлдириш ва назорат самарадорлигини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар ҳузурида ёқилғи-энертегика соҳасида ваколатли органлар, идоралар фаолиятини **мувофиқлаштирувчи махсус штаблар фаолиятини** йўлга қўйишга бўлган зарурат юзага келганлигини кўрсатмоқда. Ҳеч иккиланмай қайд этиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар таркибида бундай штаблар фаолиятининг йўлга қўйилиши келгусида прокуратура органларининг ёқилғи-энергетика (ш.ж., электр энергияси) соҳасида давлат манфаатларини, фуқароларнинг ҳуқуқларини химоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назорати фаолияти самарадорлигининг ошишига имкон беради.

Бизнингча, мазкур штаблар фаолияти жамоатчилик асосида йўлга қўйилиб, уларнинг таркибига прокуратура органларида фаолият кўрсатувчи тажрибали, таҳлилий фикрлаш ва муаммони кўра билиш, унга ечим бера олиш қобилиятига эга ходимлардан ташқари, Энергетика вазирлиги, назорат органлари ва соҳага масъул

²¹ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Ягона ҳисоботлар портали // <https://newreport.bp.gov/>

²² Казарина А.Х. Теоретические и прикладные проблемы прокурорского надзора за исполнением законов экономической направленности: Автореф. дисс. ... док. юрид. наук. – М.: Академия Генеральной прокуратуры Российской Федерации, 2009. – С. 33.

ваколатли давлат органлари, нодавлат ташкилотлар вакиллари, мутахассис-экспертлар жалб этилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ушбу штабларга Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида *Бош прокурорнинг соҳавий ўринбосари*, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда *вилоят прокурорларининг соҳавий ўринбосарлари* раислик қилишлари лозим. *Штабнинг ишчи органи* этиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Ёқилғи-энергетика соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда Ёқилғи-энергетика соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат бўлимлари белгиланади. Штаб низоми Бош прокурор буйруғи асосида тасдиқланиб, унда штабнинг мақсади ва вазифалари, штаб таркиби, штаб аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларни моддий ва бошқа жиҳатдан рағбатлантириш каби масалалар ўз аксини топиши зарур.

Бизнинг фикримизча, штаблар ўз фаолиятида:

– ёқилғи-энергетика (ш.ж., электр энергияси) соҳасида қонунийлик аҳволини тизимли таҳлил қилиш, соҳада қонунийлик аҳволига доир статистик, тезкор ва бошқа маълумотларни ваколатли давлат идоралари, оммавий ахборот воситалари, интернет сайтлари ва бошқа манбалардан йиғиш, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ахборот алмашинувини йўлга қўйишга;

– соҳада юзага келаётган муаммолар, соҳада олиб борилаётган ислохотларга таъсир этувчи омиллар ва тўсиқ бўлаётган тизимли камчиликларни, биринчи навбатда, ҳудудларда аниқлашга (зарур ҳолларда мутахассис ва экспертларни жалб қилган ҳолда);


– аҳолини қийнаётган тизимли муаммоларга реал ечим топишга, уларни бартараф этиш борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга;

– ёқилғи-энергетика (ш.ж., электр энергияси) соҳасидаги муҳитни яхшилаш, шу жумладан, бюрократик тўсиқларни тугатиб бориш, руҳсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ҳамда соддалаштириш, ҳисоб-китоб тизимини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишда иштирок этишга;

– ёқилғи-энергетика (ш.ж., электр энергияси) соҳасида қонунийлик аҳволига оид таҳлилий маълумотномалар тайёрлаб, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ҳукумати ва Олий Мажлиси эътиборига етказишга;

– мазкур соҳада қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва киритишга;

– ёқилғи-энергетика (ш.ж., электр энергияси) соҳасида қонунлар ижроси устидан прокурор назорати аҳволини таҳлил қилиш, назоратни амалга ошириш чоғида прокуратура органлари олдида юзага келаётган муаммоларни ўрганиш ва назорат самарадорлигини оширишга, бу борада долзарб масалаларни Бош прокуратура ҳайъати муҳокамасига киритиш кабиларга алоҳида эътибор қаратишлари лозим бўлади.



Энг асосийси, мазкур штаблар ўз олдига қўйган мақсаддан четлашмай, номигагина фаолият кўрсатиш, белгиланган чора-тадбирларни ҳисоботлардагина бажариш каби салбий ҳолатларга йўл қўймасликлари шарт. Чунки, бу ҳолда улар ўз аҳамиятини йўқотиб, амалда ишламайдиган, фойдасиз тузилмалар қаторини тўлдиришдан бошқасига ярамай қолишлари мумкин²³.

Шунга ўхшаш тажрибани биз Россия ва Қозоғистон прокуратура органлари фаолиятида кузатишимиз мумкин. Масалан, Қозоғистонда прокуратура органларининг тадбиркорлик ҳамжамияти, нодавлат-нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлиги асосан икки кўринишда, яъни маслаҳат кенгашлари ва биргаликда ишчи гуруҳлар ташкил этиш орқали йўлга қўйилмоқда²⁴.

Намунавий амалиёт сифатида алоҳида таъкидлаш лозимки, Фарғона вилояти прокуратурасида вилоят прокурори раҳбарлигида Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар бошқармаси, Ўзэнергоинспекция, молия-иқтисодиёт комплекси, ижтимоий соҳа ташкилотлари, электр ва газ таъминоти корхоналари раҳбарларидан иборат штаб фаолияти йўлга қўйилди.

Штаб томонидан электр энергияси, табиий ва суюлтирилган газ, нефть ва кўмир маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш, электр ва табиий газ тармоқларини модернизация қилиш, шунингдек, муқобил энергия манбаларини ривожлантириш, коммунал хизматнинг сифатини яхшилашга қаратилган қонунчилик ижроси устидан назоратни янада кучайтириш ва натижадорлигини ошириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Бунинг натижасида, ёқилғи-энергия ресурсларини ишлаб чиқариш, сақлаш ҳамда улардан самарали ва оқилона фойдаланишга қаратилган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва қарорлари, Ҳукумат қарорлари ва дастурларининг бажарилиши устидан таъсирчан назорат ўрнатилди.


Шунингдек, маҳаллий ҳокимликларнинг ёқилғи-энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишини ривожлантириш ҳудудий дастурлари ва лойиҳаларида белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилиши доимий равишда ўрганиб борилмоқда.

Электр тармоқларидаги йўқотишни камайтириш йўналишида юклатилган вазифалар ижроси бўйича назорат тадбирлари билан бирга жойларда қуёш панеллари ва сув коллекторларининг иқтисодий ҳамда хавфсизлик нуқтаи назаридан фойдали жиҳатлари, бу бўйича жорий қилинган имтиёзлар борасида амалий тадбирлар ўтказилиб келинмоқда.

Ўтказилган тадбирлар давомида жами 13.232 та объектга 165,5 МВт қуёш панеллари ўрнатилди ҳамда аҳоли хонадонлари ва ижтимоий соҳа объектларига 235

²³ Комилов А.Б. Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш: Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси, 2020. – Б. 143-144.

²⁴ Ўша манба, – Б. 144-146.




минг литрдан зиёд гелиоколлекторлар ўрнатилди. 2741 та субъектларга реактив қувватни компенсация қилувчи компенсатор батареялари ўрнатилди. Табиий газ истеъмолчиларининг 153.367 тасига тежамкор горелкалар ўрнатилди. 30 мингдан ортиқ аҳоли хонадонлари икки босқичли тизимга ўтказилди. 5 708 км электр тармоқлари 4256 та трансформатор пунктлари 245 км табиий газ тармоғи ва 105 та газ тақсимлаш қурилмалари мукамал таъмирланди ҳамда 12 000 та объектда режим-созлаш ишлари олиб борилди.

Аниқланган ноқонуний ҳолатлар юзасидан 9 519 та маъмурий ҳамда 358 та жиноят ишлари қўзғатилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида 797,6 млн. куб метр табиий газ, 1 млрд. 108,3 млн. кВт соат электр энергияси иқтисод қилинди ҳамда газдан 6,2 млрд. сўм, электр энергиясидан 145,4 млрд. сўм дебитор қарздорлик камайишига эришилди.

Фарғона вилоятида илмий ходимлар билан ҳамкорликда энергия самарадорлигини ошириш ва ресурсларни тежаш, тақсимлаш тармоқларида йўқотишларни камайтириш бўйича илмий-техникавий ўрганишлар асосида “Фарғона намунаси” яратилди. Бунинг учун, илмий-техникавий таҳлил қилиш мақсадида Фарғона политехника институти тадқиқотчилари, туман-вилоят “Энергоинспекция” ва электр таъминоти корхонаси малакали ходимларидан иборат ишчи гуруҳлар шакллантирилди. Уларга энергия самарадорликни “энергия сифати”, “ишончилиги” ва “иқтисодийлиги” каби мезонлари асосида сунъий интеллект ёрдамида ўрганиш, шунингдек, аниқланган камчиликларни бартараф этиш вазифлари юклатилди. Натижада, энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш бўйича ўтказилган рейдларда 299 та ҳолатда жами 3,2 млрд сўмлик зарар аниқланиб, 1,7 млрд сўми ундирилиши таъминланган.



Юқоридагилардан шуни хулоса қилиш мумкинки, прокуратура органларида ёқилғи-энергетика соҳасида прокурор назоратининг ташкилий асосларини такомиллаштирмасдан туриб, белгиланган мақсадларга эришиш мушкул масала ҳисобланади. Шу боис, илғор халқаро ва миллий тажриба уйғунлигини таъминлаган ҳолда, юқоридаги институционал тизимнинг яратилиши истиқболда прокуратура органларининг ушбу назорат йўналишидаги фаолияти самарадорлигини ошириш имконини беради.

Бундан ташқари, электр энергиясини ишлаб чиқариш ва уни истеъмолчиларга етказиб бериш соҳасида прокурор назоратини ташкил этишда идоравий ва прокуратура органлари ўртасидаги ахборот алмашинуви тизимини самарали йўлга қўйиш ҳам ўта муҳимдир. Ўзэнергоинспекция томонидан олиб бориладиган текширув натижалари, диагностика хулосалари, авария сабаблари бўйича маълумотлар ва тармоқ инфратузилмасининг ҳолатига оид техник маълумотлар прокуратура органларига тақдим этилиши шарт, зеро ушбу маълумотлар прокурор муносабатини шакллантирувчи далилий база ҳисобланади. Ахборот алмашинувининг

тартиби идоравий регламентлар ва вилоят-республика даражасидаги ҳамкорлик протоколларида белгилаб қўйилиши зарур.

Яна бир муҳим масалалардан бири соҳавий назорат органларининг прокуратура органлари билан ҳамкорлик фаолияти ҳисобланади. Электр энергетика тармоғида авария ҳолатларини бартараф этиш, техник хавфни камайтириш, истеъмолчи манфаатларини ҳимоя қилиш каби ҳолатларда тармоқ операторлари, Ўзэнергоинспекция, Фавқулодда вазиятлар хизмати ва прокуратура органларининг бир вақтда ҳаракат қилиши талаб этилади. Ушбу ҳамкорлик “авария хабари - диагностика - ҳуқуқий баҳо - прокурор таъсир чоралари” занжири бўйича амалга оширилади ва бу жараёнда ҳар бир органнинг ваколати аниқ белгиланган бўлади²⁵.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикаси “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 06.03.2014 йилдаги 54-сонли “Технологик бузилишларни текшириш ва ҳисобга олиш тартиби” тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 13.02.2025 йилдаги 91-сонли “Электр энергетикаси соҳасидаги фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 18.10.2022 йилдаги 609-сонли “Ўзбекистон Республикаси электр станциялари ва тармоқларини техник эксплуатация қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 09.10.2020 йилдаги 638-сонли “Электр қурилмаларини эксплуатация қилишда техника хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24.03.2022 йилдаги 126-сон “Миллий диспетчерлик маркази” ДУКни ташкил этиш тўғрисида” қарори.
9. “Электр энергияси таъминоти сифати стандарти” (ОСТ 321-2019).

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 18.10.2022 йилдаги 609-сонли “Ўзбекистон Республикаси электр станциялари ва тармоқларини техник эксплуатация қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” қарори; Усов А. Ю. Системный анализ прокурорского надзора. – Санкт-Петербург: СПбГУ, 2015.